ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

22 июль, сешанба 1997 йил №85 (436)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига

ОЛТИН ЗАМИН САХОВАТИ

ОЗОД ПАРМОНОВ,
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида ғаллачилик муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ғалла мустақиллигига эришмай туриб, мустақиллик тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас»,- деган сўзларини таъкидлаш жоиздир. Барча соҳада бўлгани каби ғаллачиликда ҳам воҳамиз республикада ўз салоҳиятига эга. Бу йил ғаллакорларимиз 317 минг тоннадан ортиқ дон сотиб, вилоят тарихида илк бор шундай улкан хирмон яратишга муваффақ бўлдилар. Бу - мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллигига муносиб туҳфа, албатта.

Вилоятимизнинг улкан хирмонига барча туманлар салмоқли улуш қўшдилар. Айниқса, Муборак, Касби, Баҳористон, Шаҳрисабз, Қарши, Китоб, Усмон Юсупов, Чироқчи, Косон ва Яккабоғ туманлари ғаллакорлари юқори натижага эришдилар. Мазкур туманларда давлатга дон сотиш шартномаси ошиғи билан адо этилди. Чўл ҳисобланган Муборак ва Баҳористон туманларида бултургига қараганда уч баробар кўп ғалла ҳосили етиштирилди. Шу ўринда чироқчилик ғаллакорларнинг меҳнатини алоҳида қайд этмоқ лозим. Давлатга 50 минг тоннадан ортиқ ғалла топширилди. Бу республикамизнинг баъзи вилоятларида етиштириладиган дон миқдорига тенгдир. Шу кунларда ҳам туманда ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда. 250 та комбайн ишламоқда. Кунига 500 тоннадан ортиқ дон қабул пунктларига етказиб берилмоқда.

Бу йилги ғалла мавсумида кўпгина хўжаликлар мисли кўрилмаган ғалабага эришдилар. Жумладан Муборак туманидаги Алишер Навоий номли, Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли, Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли, Баҳористон туманидаги «Олтин бошоқ», Китоб туманидаги «Китоб», Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов», Қарши туманидаги Юсуф Хушвақтов номли, Косон туманидаги «Гулистон», Чироқчи туманидаги «Чиял», «Кўкдала» жамоа ва жамоа ширкат хўжаликларида ҳосилдорлик гектар бошига 43-55 центнерга етказилди. Мазкур туманларнинг Рустам Холмуродов, Шариф Сиддиқов, Равшан Назаров, Пирназар Пўлатов каби ғаллачилик звеноларида ҳосилдорлик гектар бошига 62-69 центнерни ташкил этди.

Бу йил ғаллазорларимизда 90 та «Кейс» комбайни юксак унум билан ишлатилди. Бундан ташқари қўшни Бухоро, Хоразм вилоятларидан ва Қорақалпоғистондан ёрдамга келган 33 та «Кейс» комбайнлари ғаллакорларимизга кўмак берди. «Кейс» комбайнлари марказлашган ҳолда ишлатилди. Уларнинг кучи билан 185 минг гектар майдондаги ғалла ҳосили ўриб-йиғиб олинди. Ўрим-йиғим даврида кўпгина механизаторларимиз жасорат намуналарини кўрсатдилар. Очил Саидқулов, Болта Жўраев, Тилов Холтўраев, Жонқувват Туробов, Турди Алимов, Машар Маматов, Нарзи Назаров, Аслон Абдуллаев, Нормурод Пардаев, Сайфулла Жўраев каби юзлаб комбайнчиларимиз меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ғалаба осонликча қўлга киритилгани йўқ. Бунинг учун жуда кўп куч-ғайрат, меҳнат, ташаббус ва ташкилотчилик ишлари амалга оширилди. Табиий қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Маълумки, вилоятда бугун 335 минг гектар майдонда ғалла етиштирилган бўлса, унинг 152 минг гектари суғориладиган ва 183 минг гектари лалми ерларда эди. Кузнинг ўта қурғоқ келганлиги, январь ойининг ўрталарigача вилоятнинг чўл қисмида ёғингарчилик мутлақо бўлмаганлиги сабабли катта-катта майдонлардаги уруғлик донни тўла ундириб олиш қийин кўчди. Оқибатда кузги ғалла баҳоргига айланди. Шунингдек май ойининг бошида бўлган кучли шамол ва дўл ҳам 73 минг гектардан ортиқ ердаги ғаллага катта зиён етказиб, ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлди. 23 минг 615 гектар ғаллазорга комбайн кирмади. Шундан 12 минг 656 гектари суғориладиган майдонлардан иборат эди. Айниқса, Нишон ва Ғузор туманларидаги экинларга катта талофот етди.

Албатта, бундай шароитда қўшимча меҳнат ва куч-ғайрат талаб этилиши табиий. Касби, Чироқчи ва бошқа туманларнинг ғаллакорлари табиий офат туфайли йўқотилган ҳосилнинг ўрнини қоплаш ташаббуси билан чиқишди. Улар ўз ташаббусларини амалда тасдиқладилар. Самарали меҳнат туфайли табиий офатдан жиддий зарар кўришларига қарамай Ғузор туманидаги Абдулла Турсунов номли хўжаликда гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтарилди. Нишон туманидаги «Пахтаобод» хўжалигининг Рўзиқул Тошболтаев ва Чўли Бегимқулов номли жамоа-ширкат хўжалигининг Мурод Очилов бошлиқ ғаллачилик звеноларида ҳосилдорлик гектар бошига 51 центнерга етди.

Ғаллакорларнинг яна бир ташаббусини айтиб ўтиш керак. Касбилик ғаллакорлар мавсумни қисқа муддатда нобудгарчиликсиз ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Вилоят ҳокимлиги уларнинг ташаббусини маъқуллади. Ҳамма жойда иш ана шу ташаббус асосида олиб борилди. Ўрим-йиғим илғорлари ўз вақтида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилди. Комбайнчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Уларга ун, ёғ, кийим-кечак тарқатилди. Доимий иссиқ овқат ташкил қилинди. Бу ишларни назорат қилишда ва амалий ёрдам беришда вилоят касаба уюшмалари кенгашининг ва унинг тармоқ қўмиталарининг хизмати катта бўлди.

Ғалла буйича эришилган муваффақиятимизда муҳим омил бўлган яна бир қанча муҳим жиҳатларни ҳам тилга олмай иложимиз йўқ. Юқорида таъкидлаганларимиздан ташқари биз ўтган йилнинг ўзида барча уруғларни ундириб олишга, ерларга кузги ишлов беришни экинларни дорилашни иложи борича тўлиқ амалга оширишга, мавжуд техника ва қувватлардан самарали фойдаланишга, сифатли уруғликни гектар бошига амалда тўлиқ меъёр буйича экишга харакат қилдик. Ғаллакорлар билан шартномаларни вақтида тузиб уларга зарур шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилдик.

Ниҳоят вилоятимизда ғалла ўрим-йиғимига пухта ҳозирлик кўрилган ҳолда киришилди. 257 та ўрим-йиғим гуруҳи тузилиб, уларга 254 та техник хизмат звеноси ёнилғи билан таъминлаш агрегатлари бириктирилди. Бундан ташқари 922 нафар таъмирчи 1698 та транспорт трактори, 3396 та прицеп, 319 та дон тозалаш механизми дон ўлчайдиган тоштарозилар ғалла ҳирмон жойлари мавсумга барвақт шай қилинди. 18 та дон қабул қилиш корхонасида ҳосил ортилган транспортларни кутиб қолмаслиги, ғаллани навлар буйича алоҳида-алоҳида қабул қилиш учун керакли чоралар кўрилди.

Ғаллазорларимизда 1600 та комбайн юқори унум билан ишлатилди. Уларни 3400 нафар тажрибали комбайнчи бошқарди. Мавсум арафасида вилоят раҳбарлари шахсан ўзим барча туманларда бўлиб комбайнчилар ва уларнинг ёрдамчилари билан мулоқотда бўлдим. Уларнинг таклиф ва истаклари ҳисобга олинди. Шуларнинг ҳаммаси бугунги қувончли кунларимизни таъминлади дейиш мумкин.

Воҳамиз ғаллакорлари келгуси йил мўл ғалла ҳосили учун ҳам ҳозирдан тайёргарлик кўришмоқда. Суғориладиган майдонларга сентябрь ойида уруғ ташлаб, октябрь ойида тула кўкартириб олишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун реал имкониятларимиз бор. Эртани ўйлаган кишининг меҳнати сира зое кетмайди. Биз воҳада дон мустақиллигига эришиш учун бундан кейин ҳам барча куч ва имкониятларимиздан оқилона фойдаланамиз. Буни биргина биз эмас, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДА ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791 сонли Фармонига мувофиқ ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

1. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институти негизида юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этилсин. Унинг тузилмаси, устави тасдиқлансин.

2. Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбарияти директор ва унинг икки ўринбосаридан иборат таркибда тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, юристлар малакасини ошириш марказида:

— Адлия, суд, прокуратура, адвокатура ҳамда ҳокимият идоралари, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, шунингдек, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари 3 ойлик курсда қайта тайёрланадилар ва малака оширадилар;

— Ёш мутахассислар ва раҳбарлик лавозимига заҳирага олинган ходимлар 6 ойлик курсда ўқитиладилар;

— маълум тоифа кадрлар учун қиска муддатли ўқишлар ташкил қилинади;

— ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома ва уларнинг иш жойига тавсифнома берилади;

— ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилади;

— ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан алоқалар амалга оширилади;

— ҳуқуқшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, уларнинг савияси ва самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

4. Марказ тингловчилари учун ўқиш давомида уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақлари ва лавозимлари сақланиб қолинади. Жойлардан келган тингловчиларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ суткалик, ўқиш манзилига келиш ва қайтиб кетиш харажатлари тўланади, шунингдек улар ётоқхона билан таъминланадилар.

5. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур марказда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Марказнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига республиканинг олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари, бошқа ходимларга эса давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш марказига шу йўналишдаги хорижий ва халқаро институтлар, ташкилотлар билан алоқаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатсин.

8. Узбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

1998 йилдан бошлаб ҳар йили марказнинг буюртмасига мувофиқ хорижий мутахассисларни ишга таклиф этиш, марказ ходимларининг халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши, шунингдек, даврий нашрларга обуна бўлишлари, хорижда чиқариладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан олишлари учун шу жумладан эркин алмаштириладиган валюталарда;

— марказни асбоб-ускуналар, офис мебели, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозлаш ва транспорт воситалари олиш учун;

— марказнинг фаолият кўрсатиши, шу жумладан мазкур қарор шартларига мувофиқ иш ҳақи, бино ва иншоотларни жиҳозлаш ҳамда капитал таъмирлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий асарлар нашр эттириш учун тақдим қилинган ҳисоб-китобларга кўра зарур маблағлар ажратиш топширилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимияти 2 ой муддатда республика юристлар малакасини ошириш марказига зарур бино ажратиб, ўқув жараёни ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширсин.

10. Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда марказни замонавий алоқа воситалари билан таъминласин.

11. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги «Узбекистон Республикаси Адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 18-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 21 июль.

ЎЗ ЕРИНИНГ ЭГАЛАРИ

Музробод туманидаги Абдулла Набиев номли фермер хўжалик бирлашмаси деҳқонлари яхши меҳнат самараси фаровон ҳаётда акс этишини аллақачон ҳис қилиб улгуришган. Хўжалик ҳисоб рақамида 10 миллион сумдан кўпроқ пул мустаҳкам ўрин олган. Фермерлар ойма-ой маошларини олиб туришибди. Шунингдек, улар энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ёғ,ун,гуруч, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан мунтазам равишда бепул таъминланиб турилибди.

Бирлашма фермерлари битта ҳақиқатни яхши англаб олишган: янгича ишлаш қулай ва қизиқарли.

Бирлашмага тегишли жами суғориладиган майдон 3260 гектардан зиёдроқ. Пахта яхши парвариш қилинмоқда. Баҳорги сепилган дон фермерларга 4 минг 500 тонна дон ҳосилини берди. Шунингдек, мавжуд 24 гектардаги узумзорлар ҳосили ҳам баракали. Яқинда кўплаб меваларни йиғиб-териш бошланади.

Шу кунларда олма ҳосилидан келаётган даромад кўнгилдагидек булмоқда.

Суратда: олма йиғиштириб олинмоқда.

И.ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзА)

1997 йил — Инсон манфаатлари йили

ҒАМХЎРЛИК ҲАР КУНИ БЎЛСИН

Менимча, қишлоқда меҳнат кишисини асраш ҳақидаги қуруқ гапларга чек қўядиган пайт келди. Энди пахтакор ўзи етиштирган пахта кийимидан олиб кийсин. Улар учун иссиққа чидамли бўз қўйлак ва желак тайёрлашга буюртма берилиши керак. Бунинг учун узоққа юриш шарт эмас. Жарқўрғондаги «Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти намозхон боболарга, полвонларга чиройли яктаклар тайёрлаб бераётган экан, бу масалада деҳқонни ҳам ўйлашимиз лозим. Ана шунда уни қон босими каби хавфли хасталиклардан муҳофаза эта олган бўламиз. Деҳқон қўллари қичимага чалинмаслиги учун мен минерал ва кимёвий ўғитлардан бўшаган қоғоз идишларни ишлатишга батамом йўл қўйилмаслиги тарафдориман. Бунинг урнига Андижон технологиясига кенг имкон бериб борган ҳолда Жанубий Қурия мамлакатида ишлаб чиқилган синтетик брезентдан суғоришда эгатбошига тушаладиган буюмлар тайёрлашни мақсадга мувофиқ деб биламан.

Қишлоқда яна бир масала ўз ечимини кутиб турибди. Бу ўғирлик билан боғлиқдир. Кейинги пайтда нафақат бизнинг қишлоғимизда, балки туманимизда ҳам меҳнатсиз даромад топувчилар кўпайиб бормоқда. Далада ишлаб, ўз вақтида машинни ололмаётган деҳқон оғили ва қўраси бир тунда бўшаб қолишини тасаввур этиб кўринг-а?? Афсуски, бундай нохуш ҳоллар тез-тез учраб турибди. Кейинги олти ойда қишлоғимиздан 70 бош қорамол ўғирланиб, эгалари доғда қолишди. Тегишли идоралар бу масалага жиддий эътибор берса, яхши буларди.

Меҳнат кишиси муҳофазасига муносабатни ўзгартирсак, улар кексалик гаштини сураётганда асло ўкинмайдилар. Шунинг учун жойлардаги касаба уюшмалари ташкилотлари ғамхўрликни қоғозда эмас, амалда кўрсатсин. Одамларни дам олиш уйлари ва санаторийларга жўнатиш билан иш битмайди. Ҳақиқий ғамхўрлик ҳар куни бўлиши керак.

Бобомурод ШЕРДОНАҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Афғонистонда толибларга қарши кучлар Баграми шаҳридаги йирик истеҳкомни қўлга киритдилар. Бу пойтахт Кобулдан тахминан олтмиш километр шимолда жойлашган. Шунингдек, Парвон вилоятининг маъмурий маркази атрофида ҳам шиддатли жанглар бораётир.

* * *

Буюк Британия Бош вазири Энтони Блэр Ирландия Республикаси Қуролли кучлари раҳбариятининг отишмаларни тўхтатишга оид қарори ҳақида ижобий фикр билдирди. Бу Ирландия Қуролли кучларининг қўпорувчилик хатти-ҳаракатлари бундан буён барҳам топишини билдиради. Энтони Блэр бу Ирландия муаммосини тинч ҳал қилиш, шунингдек аҳолининг тинч-осойишта турмуш кечириши учун замин яратади, деб айтди.

* * *

Исроил ва Фаластин вакиллари ўзаро можарони тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида яна музокараларни бошладилар. Фаластин раҳбари Ясир Арафат Исроил вакиллари билан Рамоллоҳ шаҳрида музокаралар ўтказди. Шунингдек икки томон вакилларининг бугун Женевада музокаралари бошланиши кутилаётир. Яқин Шарқ муаммосини тинч ҳал этиш йўлида ижобий силжиш кузга ташлангани қайд этилаётир.

* * *

Сербияда аксарият мухолифчи партияларнинг вакиллари парламентга ва президентлик сайловларига қарши чиқишларини билдирдилар. Бундан қатъий назар бугунги сайловларда социалистлар партиясининг қули баланд келиши кутилмоқда.

* * *

Германия Ташқи ишлар вазири Кинкелнинг айтишича, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ичида бу давлат энг кўп аъзолик бадали тўламоқда. Шу сабабли Германия бу борада мутаносиблик булишини ёқламоқда. Европа Иттифоқига йирик миқдорда аъзолик бадали тўлаш Германиянинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда.

* * *

Вьетнамда мамлакатнинг кенгайтирилган янги парламентига сайловлар ўтказилди. Бу сайловлар натижасида мамлакат раҳбарияти ва ҳукумат таркибида жиддий ўзгаришлар булиши кутилаётир. Кексайиб қолгани учун сайловларда иштирок этишдан бош тортганлар орасида етмиш етти ёшли мамлакат президенти ва бош вазир ҳам бор. Вьетнам Асосий қонунига биноан, мамлакат президенти ва бош вазири бир вақтнинг ўзида Миллий Мажлис аъзолари булишлари даркор.

* * *

Марказий Европадаги дарёлар сатҳининг кўтарилиши оқибатида жиддий сув тошқини юзага келаётир. Кўплаб емгир ва жала ёғиши шундай оқибатга олиб келган. Польша ва Чехиядаги бир қанча қишлоқларнинг аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилганлар.

* * *

Чеченистон маркази Грозний шаҳрида қарийб минг киши иштирок этган намойиш қатнашчилари қўшни Шимолий Осетияда гаров тариқасида ушлаб турилган бир неча ҳамюртларининг озод қилинишини талаб этдилар. Митинг қатнашчиларининг кўпчилиги қуролланган эдилар. Республика вице-президенти намойишчиларни оқилона йўл тутишга чақириб, ҳукумат гаровдагиларни қутқариш учун тегишли тартибда фаолият кўрсатаётганини маълум қилди.

* * *

Туркия билан Шимолий Кипр алоқаларни яна ҳам яқинлаштириш ҳақида келишиб олдилар. Кипр Европа Иттифоқига таклиф қилингандан кейин икки мамлакат шундай қарорга келдилар. Икки мамлакат ўзаро алоқалар, мудофаа ҳамда халқаро ҳамкорлик масаласида яқиндан муносабатлар ўрнатишни мулжалламоқда.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

«Тошкент» республика қимматли қоғозлар биржасида булиб ўтган оддий акциялар савдосида 24 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар 16,8 миллион сўмлик 83,1 мингта акцияларни сотишга эришдилар. Бу савдода Хоразм вилояти «Ургенчкорммаш» ҳиссадор жамияти катта савдо натижаларига эришдилар. Улар 45,1 мингта акцияларини сотиб 4,9 миллион сўмлик маблағ эгаси бўлдилар. Вилоятлар буйича биринчи уринни Хоразм - 4,9 миллион сўм, иккинчи уринни Самарқанд- 3,5 миллион сўм, учинчи уринни Наманган- 2,5 миллион сўм эгалладилар. Қолган 5 та вилоят буйича ҳеч қандай олди-сотди жараёнлари амалга ошмади, савдода 26 та брокерлик идоралари яхши фаоллик қилдилар.

Контрактация шартномаси: у сизда қандай тузилган?

ҲАҚҚОНИЙ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУКАММАЛ

Сирдарё — аграр вилоят ҳисобланади. Шундай бўлгач, вилоятнинг асосий миллий даромади қишлоқ хўжалигининг нечоғлик ривожлантирилишига боғлиқ. Бу борада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тайёрловчи идоралар ўртасида тузилган контрактация шартномаларининг ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал ва ҳаққоний бўлиши пировард натижада маҳсулот сифатига, унинг миқдорига таъсир этмай қолмайди.

Айтиш мумкинки, вилоятдаги қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари ҳузурида контрактация шартномалари бўлими ташкил этилганлиги айни муддао бўлди.

Сирдарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бўлим бошлиғи Аҳмад Ўролов билан бўлган суҳбатимиз бугунги контрактация шартномалари юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида бўлди.

— Аҳмад ака, сиз раҳбарлик қилаётган бўлим ўз фаолиятида вилоят, туман ҳокимликлари қошида аввалдан ишлаб келаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва унинг сифати бўйича Давлат назорат инспекциялари ишини такрорламайдими?

— Йўқ, аксинча, жойлардаги сиз айтиб ўтган инспекциялар фаолияти бутунлай бошқача. Улар маҳсулотни тайёрлаш, унинг сифати назоратини таъминлайдиган булса, бизнинг бўлимимиз олдидаги асосий вазифа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тайёрловчилар билан контрактация шартномаларини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ва ҳаққоний тузилишига кўмаклашиш, улар манфаатларини ҳимоя этишдан иборат. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман: ўтган йилнинг бошларида Меҳнатобод туманидаги «Пахтакор» ширкат уюшмасига қарашли Қодирали Холмонов бошлиқ «Янги ҳаёт» деҳқон хўжалиги шартномани мукаммал, ҳуқуқий жиҳатдан пухта тузганлиги туфайли хўжалик судида ширкатлар уюшмасидан деҳқон хўжалиги фойдасига 29 минг 411 сум 50 тийин миқдорида асосий қарз ҳамда 35 минг 583 сум 18 тийин миқдорида тола пули ундириб берилди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрловчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда шартномалар, айниқса, контрактация шартномалари муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Контрактация шартномалари нечоғлик пишиқ ва пухта тайёрланса, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, фойдаланувчиларнинг ҳам манфаатдорлиги ортади.

Ачинарлиси шундаки, кўпгина ҳолларда контрактация шартномаларида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бажармаганлиги учун тегишли жавобгарликлар кўрсатилмаётир. Шартнома тузишда хўжаликларнинг ички имконият ва хусусиятлари ҳисобга олинмаяпти аксинча, улар манфаатига зид бўлган, тайёрловчи, қайта ишловчи ташкилотлар фойдасига шартномалар тузилмоқда. Масалан 1996 йили галла ҳосили етиштиришда вилоят дон маҳсулотлари корхонаси билан давлат, жамоа ва деҳқон-фермер хўжаликлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларининг деярли барчаси Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига хилоф равишда тузилгани вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тайёрловчилар ўртасидаги шартномаларда дон етиштирувчилар зиммасига маҳсулотни белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда етказиб бермаганлик учун 100 фоиз жарима тўлаш мажбурияти юклатилган. Аслида юқорида эслатилган Низомга кўра, бундай жарима миқдори 25 фоиздан ошмаслиги зарур эди. Бу йил шу каби нуқсонларга бутунлай барҳам беришга эришдик.

— Айни пайтда бўлим фаолияти асосан нималардан иборат?

— Ҳозирги пайтда вилоят адлия бошқармаси ҳузурида вилоят прокуратураси, хўжалик суди, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, дон маҳсулотлари корхонаси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш идоралари вакилларидан иборат доимий фаолият кўрсатадиган ишчи гуруҳи ишлаб турибди. Мазкур ишчи гуруҳи хўжалик юритувчи субъектларга контрактация шартномалари тузиш, уларнинг ижросини кўриб чиқиш, туманларда шунга доир семинар, уқув машғулотлари ташкил этиш, туғилган низоларни ҳал қилишга кўмаклашиб боради. Вилоятимиздаги 100 га яқин қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари мазкур ишчи гуруҳи фаолиятидан етарлича фойдаланмоқдалар.

Бундан ташқари, 9 та туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида бўлимларимиз фаолият кўрсатмоқда. Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг топшириғига мувофиқ қишлоқ хўжалик корхоналарининг етиштирган дон маҳсулотлари синфининг ортиши натижасида ҳосил бўладиган пул маблағларининг 50 фоизини хўжаликларга қайтариш бўйича йил бошида тузилган контрактация шартномаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўз навбатида деҳқон манфаатини кўзлайди, албатта.

Инсон манфаатлари йилида вилоятимиз деҳқонлари кўтаринки руҳда меҳнат қилишиб, шартнома шартларини ҳалол ва виждонан бажаришга астойдил бел боғлашган.

Суҳбатдош: Абдуманнон АЗИМОВ

1997 йил - инсон манфаатлари йили

МАНФААТДОРЛИК КЕСКИН ОРТГАЧ...

«Тахиатошдон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Қорақалпоғистон Республикасидаги турдош корхоналар орасида иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалардан ҳисобланади. Бу ерда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жумладан, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янгиликларидан доимо сезгирлик билан оқилона фойдаланиш туфайли яхши натижаларга эришилмоқда, кўпроқ соф фойда олинмоқда. Бундай юқори кўрсаткичларга асосан корхонада ишловчиларни мустаҳкам ижтимоий муҳофаза қилиб, уларга ишлаш ва яшаш шароитларини етарли даражада яратиб берилаётгани боис эришилмоқда. 1997 йил биринчи ярми якунларига назар ташласак, «Тахиатошдон» ўтган даврни қувонарли ютуқлар билан якунлагани аён бўлади. Жумладан, 4105 тонна гуруч, 87 тонна нон маҳсулотлари, 48 тонна макарон шартномада белгиланганидан ҳам ортиқ тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Энг муҳими, ҳиссадорлар 70 миллион сўмлик соф фойда олишди.

- Демак, «Инсон манфаатлари» йилида жамоамизнинг ҳар бир аъзоси учун зарур шароитлар яратишга, уларнинг манфаатдорлигини кескин орттиришга муваффақ бўлаяпмиз,- дейди мухбиримиз билан суҳбатда «Тахиатошдон» очиқ турдаги ҳиссадорлар жамияти бошқаруви раиси Қўчқорбой Содиқов.- Кичик бир мисол: жамиятимиз ҳисобидан 8 та турар жойда истиқомат қилувчи 316 оиланинг барча хоналари корхона ҳисобидан жорий таъмирлаб берилди. Сув ва иситиш тармоқлари тозаланиб, ишдан чиққан қувурлар, айрим мурватлар алмаштирилди. Яна бир қувонарли ҳол, корхона ҳисобига қад ростлаётган 32 хонадонли турар жой қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу иншоот республикамиз мустақиллигининг шонли 6 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

Жамият бошқаруви раисининг тўлқинланиб ҳикоя қилганича бор. Ҳақиқатан ҳам «Тахиатошдон» ҳиссадорлик жамиятида бўлсангиз инсон манфаатлари учун кенг кўламдаги ишлар бажарилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Ёз гашти

Луқма

ҚАЧОН КЕЛАР ГАЗИМИЗ...

Фарғона вилоятининг «Ўзбекистон» туманидаги «Қирққетмон» қишлоғида истиқомат қилувчилардан Раҳмонқул ота Ҳайдаров, Йўлдошбой ота Аҳмедов ҳамда Муқаддасхон ая Ҳайдарова каби нафақачилар «Ишонч» газетасига мактуб йўллаб, унда қишлоқлари «зангори олов» билан таъминланмаганини ўкинч билан баён этишган.

Қизиқ, «Қирққетмон» аҳолиси бу ҳақда туман ҳокими, жамоа хўжалиги раисига бир неча бор арз қилганлари билан қуруқ ваъда олишдан нарига ўтишмабди.

Қишлоқ аҳли мана тўрт йилдирки, газлаштириш борасида елиб-югуришади, лекин натижаси ҳали бери кўринадиганга ўхшамайди.

Эшитишимизга қараганда, қишлоқда ўчоқ, тандирларга ёқиш учун ўтин қолмагани сабабли, аҳоли тут дарахтларини арралаб ўтин қилаётган эмиш. Аҳвол шу кетишда давом этгудек бўлса, келаси йиллари у ердаги пиллалар нима билан озиқлантирилади? Ахир, бир дона тут кўчатини вояга етказиш учун 5-6 йил кераклигини ёш бола ҳам билади-ку! Қачонгача «Қирққетмонлик»лар қўшни қишлоқликлар олдида маъюс юришади?

Газ йўқлигидан улар кўпинча ўзларича:

Ўтиб борар ёзимиз,

Қачон келар газимиз! — деб ҳиргойи қилмоқдалар.

С. САИДАҲМАД

Мактуб йўлга чорлади

ФАХРИЙНИ ЎКСИТМАНГ

Таҳририятимизга 2-жаҳон уруши қатнашчиси, 1-тоифа ногирони 83 ёшли Соат ота Усмонов мактуб йўллади...

- 1941 йил урушнинг дастлабки кунлариданоқ бир оиладан тўрт ака-ука фронтга отландик. Акаларим Ҳайдар, Жалол, укам Умар ва мен урушнинг даҳшатли жойларида бўлдик. Тўрт ака-ука уруш тугагунга қадар иштирок этиб, бир неча бор яраландик ва ниҳоят, 1945 йили ғалабадан сўнг она юртимизга қайтдик. Акаларим Ҳайдар, Жалол Усмоновлар яқинда оламдан ўтганлар. Жойлари жаннатда бўлсин.

Бундан икки йил аввал мен яшаб турган Тошкент туманининг бир бўлаги Тошкент шаҳар Юнусобод туманига ўтказилиб, «Гулистон» маҳалласи ташкил топди. Маҳалладя бор йўғи 4 нафар уруш фахрийси яшайди. Ҳозирча бизнинг аҳволимиз бирорта шахсни ҳам қизиқтирмаса керак...»

Соат отанинг кўксини безаб турган 20 дан ортиқ орден ва медаллар бекорга берилмаганини, уруш жабрини тортганлар яхши билишади. Урушнинг ўзида тўрт маротаба бомбанинг тагида қолиб, урушдан сўнг беш маротаба операция бўлган Соат отанинг ҳозирги кундаги қисмати билан Юнусобод туман ҳокимияти бирор маротаба шуғулланиб кўрганида эди...

Яқинда Соат отанинг тоблари анча қочиб қолгач, ўғиллари Мирсолиҳ шаҳримиздаги қатор касалхоналарга отахонни олиб борди. Ўғил отасини қаерга олиб бормасин, дардига шифо бўлиш ўрнига оқ халатлилар «Ордер» бўлса қабул қиламиз, дер эмишлар.

Отахоннинг ичлари тула аламли гаплар. Телефон тармоғида ишлайдиганлар 30 йилдан бери отахонни қуруқ ваъдалар билан алдаб, шу кунгача телефон тушириб беришмаяпти. Йўл қурилиши соҳасидагилар эса «йўлингиз албатта асфальт булади» деб 40 йилдан бери ваъда бериб келишар экан...

- Ҳаётимда ўлимдан бошқа ҳамма нарсани кўрдим, энди қўлимдан нима ҳам келар эди; — дейди отахон. Бир вақтлар тўрт ака-ука «ордер»сиз уруш даврида керак эдик. Энди қариган чоғимда... - дея отахон ўкиндилар.

С. САИДМУРОД

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу мақолани Юнусобод туман ҳокимиятига ҳавола қилиб, ушбу мавзуга яна бир бор қайтиш ниятимиз борлигини эслатиб қўймоқчимиз.

ТАДБИРКОР УЗОҚНИ КЎРАДИ

Режа ва мулжалларнинг тўлиқ уддаланишига биринчи чорак якунлари аниқ кафолат бергандек бўлди. Чунки, биринчи чоракда 3586 тонна тозаланган пахта ёғи, 10 минг 721 тонна кунжара, 9020 тонна шелуха, 236 тонна хўжалик совуни, 13 тонна сариёғ, маълум миқдорда қадоқланган ёғ ишлаб чиқарилдики, бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан анча юқоридир. Буларнинг ҳаммаси янги раҳбарнинг астойдил саъй-ҳаракатлари, тадбиркорлиги, ишни тўғри ташкил қила билганлиги самараси, албатта.

Ютуқларга асос бўлаётган ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу борада ҳам кўнгилли рақамларни келтириш мумкин. Энг аввало, заводда маънавият масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бу ишга жамоада катта обру-эътибор, ҳурматга сазовор бўлган Ғайрат Шойимов мутасадди қилиб биркитилган. Ташкил этилган «Маънавият хонаси»ни безаш ва жиҳозлаш учун Косондаги «Адиба» фирмаси билан 200 минг сумга шартнома тузилган.

Заводда, шунингдек, ижтимоий ҳимоя соҳаси яхши йўлга қўйилган. Ишчиларга узлуксиз ойлик маош олиш билан бирга уларга ой ва чорак якунларида мукофот пуллари, маҳсулотлар бериб бориш, моддий ёрдамлар кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Улар бепул сут-қатиқ, мавсумий иш кийимлари, махсус ҳимоя воситалари билан доимий равишда таъминланиб келинаётирлар. Йил бошидан шу кунгача 800 кило ёғ, 100 кило парварда, 50 кило сариёғ, 50 кило гуруч, 150 кило ун, 600 дона хўжалик совуни текин улашиб берилди. Ишловчилардан тўрт кишига санаторийларда дам олиб, даволанишлари учун имтиёзли йўлланмалар берилиб, корхона ишчиларидан Максим Тухтаев билан Дилноза Абдуллаеванинг никоҳ тўйлари ҳам завод маблағи ҳисобидан ўтказиб берилди. Келин-куёвларга бир хонали уй, гилам ва бошқа рузғор анжомлари совға қилинди. Нишонланадиган ҳар бир улуғ айём борки, завод жамоаси байрам дастурхонига таклиф этилиб, сийланиб келинмоқда. Ана шундай тадбирларнинг узига ҳозиргача 296810 сум маблағ сарфланган.

Заводга қарашли «Дустлик» ва «Бахт» қўрғончалари, корхона яқинидаги Месит маҳалласи, Тожи Мамашарипов номли мактаб, туман кузи ожизлар жамияти, яна бир қанча жамоалар, моддий ёрдамга муҳтож кишилар доимий равишда завод қарамоғидадир. Уларга оталиқ қилиш, ижтимоий муҳофаза этиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Узоқни кўра биладиган, кайвонисифат инсон Абди Саидовнинг эътироф этишича, ҳар бир инсоннинг яхши яшаши учун уйида етарли имконият, унумли меҳнат қилишига ишхонасида тўлиқ шарт-шароит, гамхўрлик, моддий рағбат, маънавий қувватлов, албатта, бўлиши шарт. Ана шу нарсалардан манфаатдор булган инсоннинг маънавияти ҳам тобора шаклланиб бораверади, ишида эса суръат ва сифат булади. Айни пайтда завод ихтиёрида ун ўринли согломлаштириш маскани, тиш даволаш хонаси, 120 ўринли боғча-ясли, ювиниш, дам олиш хоналари, ўнлаб савдо дуконлари, ишловчиларга кеча-ю-кундуз текин хизмат кўрсатадиган чойхона, ишчилар ошхонаси, радиотелевизион, совутгичларни тузатиш, этикдузлик устахоналари, сартарошхоналар ишлаб турибдики, буларнинг ҳаммаси инсонга қулайликлар яратиш мақсадида қилингандир.

Шунингдек, завод қошида болалар спорт туғараги ва бадиий ҳаваскорлик дастаси ҳам ташкил этилган. Ишга узоқдан келиб қатнайдиган ишловчиларга хизмат кўрсатишга юмшоқ ўринли транспорт воситалари ажратилган.

— Топган маблағимиз, кўрган фойдамиз корхонамиз равнақи, жамоамизнинг фаровон ҳаёти, Косоннинг истиқболидир, — дейди А. Саидов. — Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урганмизки, у ҳам бўлса, инсон манфаатлари йўлидан жамоамизга эсдалик совға сифатида завод қошида барпо этилаётган оромгоҳдир. Тез орада бу оромгоҳни кўпчиликнинг дилини равшан айлайдиган сулим гушалардан бирига айлантириш ниятиламиз. Бунинг учун ҳамма имкониятлар етарли.

Нормамат ТОҒА

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларга ҳуқуқшунос Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

— Боқувчисини йўқотганлик учун пенсияларни тайинлашда қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Д. Абдуллаев. Тошкент шаҳри.

— Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорига илова қилинган «Пенсиялар тайинлаш учун: зарур булган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ (7-банд) мазкур пенсиянинг тайинланиши учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

1) Ариза;

2) пенсия тайинланаётган шахснинг ёшини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт);

3) оила аъзосининг вафот этган боқувчига қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

4) боқувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг бедарак йўқолганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

5) оила боқувчисининг ёши тўғрисидаги ҳужжат (агар вафот этганлик ҳақидаги гувоҳномада ёши кўрсатилмаган булса);

6) боқувчининг меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар;

7) боқувчининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар тақдим этилади:

8) боқувчининг қарамоғида булган унинг оила аъзолари таркиби тўғрисидаги маҳалла, қишлоқ фуқаролари йиғинининг маълумотномаси;

9) оиланинг 16 ёшдан 18 ёшгача булган аъзолари ўқувчи (талаба)лар эканлиги ҳақидаги мактаблар, ҳунар билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг маълумотномалари;

10) маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул фуқаролари йиғинининг вафот этганнинг ота-онаси, турмуш ўртоғи, бувиси, буваси, акаси (укаси) ёки опаси (сингласи) вафот этганнинг 3 ёшга тўлмаган болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларига қараш билан бандлигини ва ишламаётганлигини тасдиқловчи маълумотномаси.

Шунингдек, боқувчининг ўлими меҳнатда майибланишт оқибатида содир булса, бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома (ёки бошқа расмий ҳужжат) ҳам тақдим этилади.

***

— Ногиронлик пенсиясини тайинлашда қанақа ҳужжатлар зарур бўлади?

Бибиражаб МАҲМУДОВА, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани.

— Ногиронлик пенсиясини тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши шарт:

а) Меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқловчи ҳужжатлар;

б) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

в) ногиронлик меҳнатда майибланиш оқибатида содир булган булса, бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома.

Шунингдек зарур ҳолларда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади, яъни;

г) аризачининг ёлғиз ва узгалар ёрдамига муҳтож деб тан олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

д) аризачининг уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

е) тиббий-меҳнат комиссиясидан (ТМЭК) олинган далолатнома.

***

— Мен қишлоқ хўжалик техникаси корхонасида ёқилғи ресурсларини таъмирловчи уста бўлиб ишлайман. Имтиёзли равишда пенсияга чиқишга ҳақлиманми?

Барот БОЗОРОВ, Қашқадарё вилояти.

— Имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган касблар рўйхатида (Вазирлар Маҳкаммаси томонидан тасдиқланган 1,2, 3-рўйхатларда) ёқилғи насосларини таъмирловчи усталар кўрсатилмаганлиги сабабли туман ижтимоий таъминоти сизга 55 ёшдан пенсия тайинлашни тўғри рад этган.

***

— Мен туман кинолаштириш идорасида кўчма қурилма киномеханиги бўлиб ишлайман. Ҳозирги пайтда техникавий қийинчилик туфайли иш ўрнимни қисқартиришмоқчи? Ёшим 58 да, мен муддатидан илгари пенсияга чиқишим мумкинми?

Ҳайдар ЖЎРАЕВ, Жиззах вилояти Зомин тумани.

— Меҳнат Кодексига биноан (4-модда) ходимларнинг қонунлардагига нисбатан кўпинча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари шартнома йўсинидаги меъёрий ҳужжатлар (масалан, жамоа шартномалари ва келишувлари) бошқа ички ҳуқуқий ҳужжатлар масалан, Низомлар, қоидалар, шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган якка меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Демак, сизга узоқ меҳнат фаолиятингиз учун қушимча ҳақ тўланиши хусусида жамоа ҳўжалиги раҳбарияти (иш берувчи) билан ўзаро келишишингиз тавсия қилинади.

***

— Мен I-гуруҳ ногирони бўлган қайнонамга қараб турибман. Турмуш ўртоғим ўқитувчи, 4 нафар ёш фарзандимиз бор. Қуйидаги саволларимга жавоб беришингизни сўрайман:

1) Қайнонамга қараб турганлигим учун менга нафақа тўланадими?

2) Бола туғиш ва тарбиялаш учун нафақа олиш ҳуқуқига эгаманми?

3) Ёш болаларим учун нафақа тўланадими?

О. ЎРОЛОВА, Наманган вилояти, Поп тумани.

— I-гуруҳ ногиронига қараб турганлик учун алоҳида нафақа тўланмайди, аммо I гуруҳ ногиронларининг пенсияси — энг кам ойлик иш ҳақининг (1997 йил 1 июлдан — 750 сўм) 75% миқдорида устама ҳақ қўшилади.

Шунингдек, I-гуруҳ ногиронига 16 ёшгача булган ногирон болага ёки даволаш муассасасининг хулосасига кўра парваришга муҳтож булган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Бинобарин, сизга бола туғиш ва уларни парваришлаш учун белгиланган нафақалар тўланиши мумкин. Ушбу масалалар бўйича район ижтимоий таъминот бўлимига ҳамда яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилишингиз лозимдир.